

Мисрнинг етти таниқли қорилари ҳақида китоб нашр этилди



12:00 / 10.01.2022 2482

«Мисрлик етти машҳур қориларнинг тиловати», яъни «Мезамирзул Қуръон» китоби қориларнинг қироат усули ўртасидаги муносабатни таҳлил қилишга қаратилган.

Китоб Iбиди Publishing нашриёти томонидан чоп этилган ва Қоҳира китоб кўргазмасининг кейинги тадбирларида намойиш этилади. Бу ҳақда shorouknews.com нашри хабар беради.

Китоб йигирманчи аср бошидан Мисрдаги Қуръон ўқиш мактаби тарихига кириш билан бошланади.

Кейин еттита энг машҳур қорилар Муҳаммад Рифаъий, Мустафо Исмоил, Абдул Басит Абдуссамад, Муҳаммад Сиддиқ Миншавий, Маҳмуд Халил

Хусарий ва Муҳаммад Маҳмуд Таблавийларнинг қироат усуллари ҳақида маълумотлар берилган.

Миср Шимолий Африкадаги 100 миллионга яқин аҳолига эга давлатдир. Бу ердаги мусулмонлар бутун мамлакат аҳолисининг қарийб 90 фоизини ташкил қилади.

Асосан Қуръон фаолияти мусулмон араб давлатида кенг тарқалган. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш керакки, мусулмон оламининг ўтмишдаги ва ҳозирги олимларининг кўпи Мисрлик ҳисобланади.

Хуршид Маъруф тайёрлади